



## *Имом Бухорий халқаро шумий-тадқиқот маркази нашири*

*Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ  
ва ҳеч қачон бўлмагай. Имом Бухорий*


# Имом Бухорий сабоқлари

маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал

Nº4 / 2018



O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Muhkammati boshqarvosi  
**IMOM BUNORIY SALQARO ILMII-TADQIQOT MARKAZI**



## O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi

IMOM BU xoriy XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

مركز الإمام البخاري الدولي للبحوث العلمية

IMAM BUKHARI | МЕЖДУНАРОДНЫЙ

INTERNATIONAL NAUCHNO-  
MOSCOW POLITICAL SCIENCE

SCIENTIFIC-RESEARCH CENTER ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ЦЕНТР ИМАМА БУХАРИ

141 Bish. The Republic of Kazakhstan. Samarkand region. Payarki district. Kichiga Bayat village

100-660 (0366) 673 11-28-7666 99893 598 87 42, +99894 180 11 98 100-660 78 84  
Acc. No. 20111 28405 0002 1144 1001 National Bank of Uzbekistan S. Sumonov Research

[View Details](#) | [Edit](#) | [Delete](#)

## Чанду сонга:

Шовосил ЗИЁДОВ, Бахтиёр ТУРАЕВ. Ўзбек дипломатияси жаҳонни бағрикентликка чақиради.....	2
<b>АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ</b>	
Зоҳиджон ИСЛОМОВ. Термизлик алломалар илмий мероси.....	4
Олим ДЖУРАЕВ. Иккى мухаддис ўртасидаги илмий алоқалар.....	6
Бурҳониддин АҲМЕДОВ. Абу Бакр Жассос шахсияти.....	8
Мадина ЖУРАЕВА. Ҳанафий тарихчи Абдулқодир Кураший ва унинг илмий мероси.....	10
Аъзам БОЛГАЕВ. Мусо Сайджоновнинг маҳаллий ўлқашунослика кўшган хиссаси.....	12
Абдурашид АСКАРОВ. Саъдуддин Тафтазонийнинг араб тили балоғат илмида тутган ўрни.....	14
<b>ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ</b>	
Нигора КАРИЕВА. XIX аср охирида Ўзбекистон худудида олиб борилган географик тадқиқотлар.....	16
Суннатулло МУХИДДИНОВ. XIX аср охири XX аср бошларида Самарқанд вилояти мадрасалари фаолияти....	19
Улугбек МАНСУРОВ. 1917-1924 йилларда Фарғона водийси шаҳарларидағи маърифий муассасалар тизими..	22
Акмал ЯКУБОВ. Ўзбекистонда кино санъати шаклланишининг илк даврига оид.....	24
Саодат АКБАРОВА. Амир Темур, Темурийлар роли ва фаолиятининг тарихдаги аҳамиятини моделлаш ва тизимли таҳлиллаш.....	27
Бобур ФОЙИБОВ, Ҳамидулло ҚЎШБАКОВ. Илк ўрта асрлар Миёнқол воҳаси – Иштихоннинг Сүёд конфедерациясидаги ўрни ва хукмдорлик хусусиятлари.....	28
Нуриддин ҲУЖАНОВ. Сүёд ва Уструшона алоқалари тарихига доир (или Ўрта аср).....	31
Пұлат ҚАҲҲОРОВ. Ўтмишни ўрганишга цивилизацион ва маданий-тарихий ёндашув.....	33
Музаффархон ЖОНИЕВА. Кудусдаги ўзбеклар хонақохининг XIX аср охири – XX бошларидағи фаолиятта доир..	35
Гулдана ТАНИЕВА. Шайх Ҳусайн Хоразмийнинг Маккага ҳаж сафари.....	37
Фурқат СОДИКОВ. Ўзбекистон ССРда қишлоқ ва посёлка советлари фаолияти (XX асрнинг 60-70 йиллари)....	39
Фаррух ҚЎШБАЕВ. Ислом тарихи манбалари.....	40
<b>МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ</b>	
Жамшид ОРИПОВ. Жамиятда ахборот хавфсизлигини таъминлаш диний бағрикентлик тамойилларини химоялашнинг муҳим омили сифатида.....	43
Аброр ПУЛАТОВ. Дунёвий давлатда диннинг роли.....	45
<b>ИСЛОМ ВА ХОЗИРГИ ЗАМОН</b>	
Зафар ФАХРИДДИНОВ. Ҳақиқатнинг серкірра жилоси.....	48
Суҳроб ЭРГАШЕВ. Мирзо Улугбек мадрасаси битикларининг тарбиявий аҳамияти.....	50
Рустам ШОДИЕВ, Шавкат ҲАМЗАЕВ. Тасаввуғға оид манбаларда умуминсоний ахлоқий қадриятлар талқини....	52
Х. БОБОҚУЛОВА. Тасаввуғ таълимотига комил инсон тоғаси.....	55
Дилдор НУМОНОВА. Ўзбекистон маънавий-маданий тараққиётидаги Ислом дини орқали оила ва аёллар масъулиятини ошириш йўллари.....	57
Абдуҳалим МУХИДДИНОВ. Калом илмининг вужудга келиши.....	59
Сайджамол МАСАЙИТОВ. Исломдан аввалин дин ва тузумларда мерос қонунчилиги.....	60
Юнус ҲОЛИҚОВ. Ёшларда диний бағрикентликни шакллантиришда ахлоқий маданиятнинг ўрни ва роли.....	63
Насриддин МИРЗАЕВ. Туркистон қозилари амалиётида ижтимоий масалаларнинг ечими.....	65
<b>ИЖТИМОИЙ ИНСТИТУТ</b>	
Тоҳир ҚУРБОНОВ. Ўзбек миilliй менталитетининг тарихий тараққиёти.....	68
Маргуба МУРАТОВА. Ислом Каримов – Ўзбекистон мустақиллигининг ташаббускори, ташқилотчиси ва раҳнамоси ..	71
Азиз МУЛЛАЕВ. Юнесконинг “Ипак йўли – мулоқотлар йўли” ҳалқаро дастурининг маданиятлараро муносабатлар ривожидаги ўрни.....	73
Ганишер ТАГАЕВ. Шахс этномаданиятини шакллантириш омиллари ва унинг ижтимоий моҳияти.....	76
Абдурасул АМАНЛАЕВ, Аҳрор ЭШМУҲАММЕДОВ. Илм ва ибрат бирлигининг шахс маънавий-ахлоқий камолотидаги ўрни.....	78
Үқтам ШАКАРОВ. Давлат хизматчиси фаолиятida ахлоқий сифатларнинг ўрни.....	80
Мавжуда ТИЛАКОВА, Ж. ТУЙЧИЕВ. Креативлик – шахс ижодкорлигининг муҳим мезони.....	82
Шерзод РАХИМОВ. Жамиятда фуқароларнинг сиёсий фаоллиги масалалари Буюк Британия ва Ўзбекистон тажрибаларида.....	83
Зикирилло ЯЗДОНОВ. Ўзбек ҳалқининг табиат билан боғлиқ байрамлари.....	86
Нодира ЭГАМБЕРДИЕВА, Б. БОТИРОВ, Х. ИСМОИЛОВА. Талабаларнинг ахлоқий қадриятларга оид қарашлари таҳлили.....	88
Фарҳод НАБИЕВ, Обид ҲАЙДАРОВ. Демократлаштириш ва сиёсий-хуқуқий маданиятни шакллантиришга бўлган эҳтиёж.....	90
Дилнод САЛАЕВ. Фуқаролик жамияти тушунчасининг концептуал таҳлили.....	92
Зокир ЗАМОНОВ. Жамиятда ёшларнинг фаоллигини юзага чиқаришда ижтимоий-маънавий институтлар интеграциялашуви динамикаси.....	94
<b>ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР</b>	
Акрам АЗИЗҚУЛОВ. Ҳусайн Вониз Кошифийнинг ахлоқ фалсафасида бағрикентлик тамойили.....	96
Маҳбуба ЭРГАШЕВА. “Авесто”нинг синергетик таҳлили.....	98
<b>ИМОМ БУХОРИЙ РИВОЯТ ҚИЛГАН ҲАДИСЛАР</b>	
Нодир ҚОБИЛОВ. Онага хизмат килиш савобининг буюклиги.....	100

## МУСО САЙДЖОНОВНИНГ МАҲАЛЛИЙ ЎЛКАШУНОСЛИККА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Мазкур мақолада ўлкашунос олим Мусо Сайджонов илмий фаолияти ва Бухорода тарихий ўлкашунослик соҳасининг шаклланишида қўшган ҳиссаси ҳақида маълумотлар берилган.

**Таянч сўзлар:** ўлкашунос, савдогар, нозир, шарқшунос, Бухкомстарис, топография, дарвоза, Регистон.

*This article gives in-depth analysis on the data related with the scientific activity of Orientalist Musa Saidjonov and his contribution to the formation of the branch of historical country studies.*

В данной статье даны сведения об учёном краеведе Мусе Сайджонове, который в процессе своей научной деятельности внёс вклад в развитие исторического краеведения.

Ўзининг узоқ ва серкірра тарихига эга Бухоро воҳаси асрлар давомида бир гурух тадқиқотчилар дикқат марказида бўлган. Воҳа тарихи ва у билан боғлиқ ёзма манбаларни ўрганиш йўналишидаги ишлар XX аср бошларида маҳаллий ва рус олимлари томонидан амалга оширилган эди. Шу худудда яшаб уни ўрганганд тадқиқотчилар сирасига Мусо Сайджоновни мисол қилиш мумкин. Мусо Сайджонов 1893 йилда Коракўл савдоси билан шуғулланувчи савдогар оиласида таваллуд топган [2: 130-139].

У дастлаб эски усуздаги мактабда, Мир Араб мадрасасида, сунгра Янги Бухоро (Когон)даги рус-тузем мактабида таҳсил олган. Шундан сўнг бир муддат тижорат ишларига қатнашади. М. Сайджонов XX аср бошида “Ёш бухороликлар” сиёсий партияси сафида фаол қатнаша бошлайди [10]. Натижада, 1915 йилда “Ёш бухороликлар” томонидан ташкил этилган “Маърифат” кутубхонасида мудирлик қиласи. 1917-1918 йилларда Бухоро амиригидаги сиёсий жараёнлар ҳам уни четлаб ўтмаган [1: 32-33].

Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) тузилгач, М. Сайджонов озиқ-овқат нозири (1920 йил сентябрдан – 1921 йил мартағача), иқтисодиёт нозирининг муовини (1921 йил мартаған-августгача), давлат назорати нозири (1921 йил октябрдан – 1922 йил январигача), ЧК (Фавқулодда комиссия) раиси (1921 йил август-сентябр), Молия нозири (1922 йил феврал-апрел), Халқ Ҳужалик Олий Кенгаши раиси муовини (1922 йил октябрдан – 1923 йилгача), Маориф нозири (1923 йил июндан 1924 йилгача) лавозимларида фаолият олиб борган [11].

М. Сайджонов ўзининг сиёсий фаолияти билан бирга ўлкани тадқиқ этиш ва унга оид ёзма манбаларни ўрганиш ишларни ҳам олиб борган. Ўлкашунос М. Сайджонов нафакат қадимий кўлёзмалар, балки меъморий ёдгорликлар курилиши тарихининг ҳам зуқко билимдони эди. У шахарнинг осори атиқаларига зарар етказилишининг олдини олиш чораларини кўради. Бу эса унинг ўз юрти тарихига, маданий ва маънавий меросига ҳамда ўз касбига муҳаббатининг кули эканлигидан далолатдир.

М. Сайджонов 1925 йил мартаидан бошлаб “Бухкомстарис” – Бухоро тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш қўмитасида илмий котиб, бир йилдан кейин эса раис лавозимига тайинланди [4: 26-29]. Энди у ўлкадаги барча

меъморий ёдгорлик муҳофазаси билан тұлук шуғулланишта киришади. Мазкур лавозимда ишлаш жараённида ўлкадаги мавжуд тарихий ёдгорликлар тарихини манбалар асосида ўрганиб, тадқиқ этишга ниҳоятда катта эътибор берди.

Тадқиқотчи С. Горшенинанинг фикрича, М. Сайджонов ўз фаолияти давомида Бухоро амирининг ёзги саройини (Ситораи Мохи Ҳоса) бутунлитича сақлаб қолиши, Арқда ҳаваскор археологик қазув тадқиқотларини олиб бориши ва амирининг қимматбаҳо ашёларини ўйғиши ишларини амалга ошириди [4: 26-29].

М. Сайджоновнинг Бухорода тарихий ўлкашунослик ва тарихий

топография йўналишидаги муҳим ишларидан бири бу “Бухоро шаҳри ва эски бинолари” оид тадқиқотидир. Бу макола 1927 йилда “Маориф ва ўқитувчи” журналида эски ӯзбек алифосида чоп этилган [5: 30-35; 6: 52-56]. Унда шаҳардаги тарихий жойлар, Арқ, Шаҳристон, Регистоннинг жойлашув ўрни, дарвазалар, сомонийлар ва аштархонийлар даврига доир тарихий ёдгорликлар ўрганилиб, тадқиқ этилган.

Мазкур тадқиқотни рус ва ӯзбек тилига ўтирган X. Тўраев уни алоҳида “асар” дараражасида ёзилган изланиши деб баҳолайди [7: 2]. Олим тадқиқот бой тарихий манбалар\*, ўрта аср вақф ҳужжатлари\*\*, археологик ашёлар асосида ёзилганлиги таъкидлаб, ҳанузгача ўз илмий аҳамияти йўқолмаганлигини қайд этади.

Мақолани ўрганиш жараённида “асар” икки қисмдан иборат бўлганлиги аниқланди. Унинг биринчи қисмида Бухоро Арқи, шаҳристон ва унданаги бинолар тўғрисида маълумотлар берилса, иккинчи қисмида Регистон ва унга туташ ҳамда яқин ерларда жойлашган бинолар тўғрисида қимматли маълумотлар берилади.

М. Сайджонов шаҳар эски бинолари тўғрисидаги маълумотидан ташқари уларнинг жойлашув ўрнини аниқ кўрсатиб тұдади. Агар В.В. Бартольд, И.И. Умняков каби олимлар Мухаммад Наршахий ва араб географ олимларининг манбаларига таяниб шаҳар топографиясини ўргантан бўлса, М. Сайджонов бу манбалардан ташқари вақф ҳужжатларини текширган ва шаҳристон қисмидаги ёдгорликларни шахсан ўзи бориб кўрган.

Ўлкашунос олим шаҳристоннинг майдони, унинг етти дарвозаси\*\*\* жойлашган ерни вақф ҳужжатлари

\* М. Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асари, Мир Мухаммад Амин Бухорийнинг “Тарихи Убайдуллахони соний”, Мулло Абдураҳмон Тамкин Бухорийнинг “Матолев ал-фоҳира”, Субхонкулихоннинг “Луб ал-лавоҳ ал камар фи ал-иҳтиёрот”, “Тазқири давлатшоҳи”, “Равзат ус-сафо”, “Рұхта алмаз”, “Тұхфат аз-зоурин”, “Муллозода”.

\*\* “Абдуллахон вақфномаси” ва “Сомонийлар шаҳараси вақфномаси” кўлёзмалари.

\*\*\* 1-Дарвозаи Бозор, 2-Дарвозаи Шаҳристон, 3-Дарвозаи Бани Саъд, 4-Дарвозаи Кабирия, 5-Дарвозаи Ҳафс, 6-Дарвозаи Нав.

асосида аниклади.

Таджиқотда Арқда жойлашган бинолар тұгрисида хам маълумот мавжуд. М. Сайджонов Арқдарвазаларин тұгрисида қуидагиларни ёзди: “Аркнинг икки эшиги бўлғон. Шарқий эшиги “Дари гузиён”, ғарбий эшиги “Дарвазаи Регистон”, кейинроқ “Дарий алафурушон” деб атаганлар. Икки эшикнинг ораси тутри бир йул билан тулашон. Амирлар, бек ва катта амалдорларнинг маҳкамалари, хазина ва зиндан шунда бўлғон [7: 19]”. Шужумладан, мақолада Арқдаги тарихий бинолардан шайбоний Искандархоннинг кичик бир масжиди; аштархоний Субҳонкулихон масжиди; манғитлардан Раҳимхоннинг мармар таҳти; обхона, чилдурттарон ва ағенсавий Сиёвуш қабри бинолари ҳакида маълумотлар көлтирилади.

Асарнинг иккинчи қисмидаги Регистон ва унга туташ ҳамда яқин ерларда жойлашган бинолар тұгрысіда маълумотлар көлтирилади. Вакъф хужжатларига таянған ҳолда муаллиф Бухоро Регистонининг майдони 233x270 метрни ташкил этишинің таъқидлайды [9]. Мақоладаги маълумотларга асосланып регистоннинг шимол томони Устоди Рухи, Бозори Гүсфанд мадрасаларига\*\*\*\* туташ эди. Жануби томони Хўжа Нихол\*\*\*\*, гарбий томони бизгача сақланмаган Шодимбий мадрасаси ва Болои хавз масжидига туташганийгин таъқидлашимиз мумкин. Бундан шу нарса аён буладыки, хозирда Садриддин Айній номидаги қўғирчоқ театри олдиғаги хиёбон урга асрларда Регистон худудига кирган.

Улкашунос олимнинг кузатишлари натижасида Регистон худудида шайбоний Абдуллахон Ш (1557-1598) томонидан ростланган бир қанча иморатлар\*\*\*\*\* катори Токи тиргарон савдо мажмумининг ўрни аникланган. М. Сайджоновнинг маълумотига кўра, Токи тиргарон тахминан ҳозирги Вилоят ички ишлар бошқармаси ўрнида жойлашган [7: 4].

М. Сайджонов ўз тадқиқотларида аштархонийлар даврида Бухоро Регистони ва унга яқин ерда курилган Масжиди Поянда, Мадрасаси Бозори гўсфанд, Мадрасаси Дор аш-шифо, Мадрасаси Хўжа Низол, Болои Ҳавз каби бинолар тўгрисида маълумот беради.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Абдураимов М. Ёш бўлса ҳам бош бўлган эди // Фан ва турмуши. 1974.
  2. Абдураимов М. Сайджоновнинг шимий мероси // Шарқ юлдози. 1972. – № 9.
  3. Булатов М. Мавзолей Саманидов – жемчужина архитектуры Средней Азии. – Т.: Издательство литературы и искусства им. Гафура Гуляма, 1976.
  4. Горшенина С.М. Муса Сайджанов - историк, археолог, искусствовед// ОНУ. 1995. – № 5-9.
  5. Сайджон М. Бухоро шаҳри ва эски бинолари // Маориф ва ўқитувчи. 1-қисм. 1927. – № 3-4.
  6. Сайджон М. Бухоро шаҳри ва эски бинолари // Маориф ва ўқитувчи. 2-қисм. 1927. – № 9-10.
  7. Сайджонов М. Бухоро шаҳри ва унинг эски бинолари / Таржима, сўзбоши, шарҳлар Х. Тўраевники. Марказий Осиёни тадқиқ қилиши Франция институти. Document de travail de l'IFEAC. № – 16. (Juin, 2005). – Т., 2005.
  8. Сайджонов М. Бухоро шаҳри ва унинг эски бинолари. Таржима, сўзбоши, шарҳлар Х. Тўраевники. Марказий Осиёни тадқиқ қилиши Франция институти. Document de travail de L'IFEAC. № 16. (Juin, 2005). – Т., 2005. – Б. 5. Булатов М. Мавзолей Саманидов - жемчужина архитектуры Средней Азии. Т.: Издательство литературы и искусства им. Гафура Гуляма, 1976.
  9. Тўраев Х. Мусо Сайджоновнинг ноодир икки асари // Бухоронома, 2002 йил, 14 август.
  10. Эргашев Б., Ҳўжаев Л. Фишратнинг янги топтилган мактуби // Узбекистон овози. 1993 йил. 27 апрель.
  11. УЗР МДА, Р-56-фонд. 1-рўйхат. 90-йчма жигд. 90-варақ.

\*\*\*\* Бу мадрасалар ҳозирги Бухоро Маданият техникумига яқин жойда жойлашган.

**Бұл мадраса қозирғи Вилоят ички шилар бошқармасы олдидә жойлашған**

\*\*\*\*\* Абдуллахон II ҳукмронлик қылган йиллари Регистон ҳудудида Ток Саройи, Фалла бозори, ҳаммом ва дүкөнлар қурилган.

\*\*\*\*\* **ХХ** аср 20-шагларидаги мемориалдык фаннида Исмоил Сомоний мақбарасы ХII асрда күрүлгөн деген фикр мавжуд эди. Бу фикрни илгари суруүчилер Корахонийлар даврида Узганды күрүлгөн минорга да мақбаралар меморий услугу билан Исмоил Сомоний мақбарасыга ушиашылыгини ассоң қылғып олган эдилар. Муса Сайджонов эса вакыф ҳүккиматларига асосланып бүнчү мукобил фикрни илгари судади, явни Сомонийлар давридаги меморий услугу Корахонийлар даврида хам давом этгандыгини тақвидладай.